

## Ювилаётган майитнинг ҳоли | Фикҳ дарслари (267-дарс)



19:00 / 01 февраль 1369

Майитни одамлардан холи, тўсилган, шифти бор жойда тахтанинг устига қўйиб ювган афзал. Майитнинг авратини беркитиш вожибдир. Кейин майитнинг кийимлари ечилади.

Майитнинг боши ёки бошқа аъзолари кесилган бўлса, уларни жойига қўйиб боғлаб, бутун танага ўхшатиб, камчиликларини беркитиб, оҳиста ювилади. Агар тишими ёки шунга ўхшаш нарсалари тушиб кетган бўлса, ювиб, кафанининг орасига солиб қўйилади.

Фассол майитни суяб, орқага мойилроқ қилиб ўтирғизиб, мулойимлик билан ювади. У майитни елкасидан ушлаб, ўз кўксига суяган ҳолда қорнини силаб, ичидаги бор чиқиндини чиқаради. Ҳар сафар қўлини қорнининг устидан ўтказганда кўпроқ сув қўйиб турилади. Кейин уни чалқанчасига ётқизади.

Майитни ювишни фарз қилувчи нарсалар:

1. Майитнинг мусулмон бўлиши.
2. Чала туғилган болани ювишнинг тафсилоти қуйидагича: агар боланинг кўп қисми чиққанида унинг тириклик аломати бўлса, уни ювилиб, намоз ўқилади ва у мерос олиб, мерос қолдиради. Агар ҳаётнинг аломати бўлмаса, уни ювиб, ном қўйиб кўмилади. Агар тўла одам ҳолати бўлмаса,

устидан сув қуйиб, латтага ўраб, исм қўйиб кўмилади.

3. Майитнинг тўлиқ ёки аксари жасади бўлиши лозим. Ҳанафий мазҳаби бўйича, тананинг кўп қисми ёки ярми билан боши бўлса, унга жаноза намози ўқиш фарз бўлади.

4. Жанг майдонида қатл қилинган шаҳиди аъло бўлса, ҳанафий мазҳаби бўйича, ювилмайди ва жанозаси ўқилади.

**«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.